



**ЗАМОНАВИЙ КАСБ: СУД-БУХГАЛТЕРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИННИНГ
НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ
ТАЪМИНОТИ ХУСУСИДА**



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a8

Дусмуратов Раджсанбай Давлатбаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Молиявий таҳлил ва аудит кафедраси профессори, и.ф.д.,
«Ўзбекистон Республикаси Олий таълими аълочиси»,

Дарвишов Сарварбек Рустамович

Ички ишлар вазирлиги Академияси
тест маркази ўқитувчи-методисти

Аннотация. Мақола бухгалтерия ҳисоби, аудит ва тағтишининг хуқуқ тармоқлари билан бирлашмасида вужудга келаётган, замонавий, мураккаб соҳа – суд-бухгалтерия экспертизаси (кейинги ўринларда – СБЭ) мутахассислиги бўйича таълим дастурини шакллантириш, таҳсил жарабёнининг илмий, ўқув-услубий, ташкилий ва кадр таъминоти муаммоларига бағишиланган. Айрим ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетларида эксперт-бухгалтерлар тайёрлашга ёндашувлар таҳлил қилиниб, ижобий ва муаммоли жиҳатлари аниқланган. Халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибасини қиёслаш натижасида таҳсил жарабёнини дуал таълим шакли бўйича ташкил этиш масалалари ва муаммолари ёритилиб, «СБЭ» магистратура мутахассислиги таълим дастурининг тузилмаси таклиф қилинди. Тадқиқотда эксперт-бухгалтерга зарур бўладиган амалиётга йўналтирилган билим, кўникма ва малака тўпламини, умуман, эксперт-бухгалтерларни тайёрлаш бўйича маҳсус таълим моделини шакллантириш тавсия қилинди.

Калим сўзлар: суд бухгалтерияси, СБЭ, хуқуқ, эксперт-бухгалтер, аудит, таълим дастури, таълим модели, модуль, дуал таълим, билим, кўникма, малака, компетентлилик.

**СОВРЕМЕННАЯ ПРОФЕССИЯ: НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ И
ОРГАНИЗАЦИОННО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СУДЕБНО-
БУХГАЛЬТЕРСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ**

Дусмуратов Раджсанбай Давлатбаевич

д.э.н., профессор кафедры Финансового анализа и аудита
Ташкентского государственного экономического университета
«Отличник высшего образования Республики Узбекистан»,

Дарвишов Сарварбек Рустамович

Преподаватель-методист тестового
центра Академии МВД

Аннотация. Данная статья посвящена проблемам формирования образовательной программы, а также научного, учебно-методического, организационного и кадрового обеспечения учебного процесса по современной и сложной отрасли знания – СБЭ, возникающего в сочетании бухгалтерского учета, аудита, ревизии и отраслей права. Проанализировав подходы к подготовке экспертов-бухгалтеров в ведущих университетах некоторых развитых стран мира, выявлены положительные и проблемные аспекты. В результате сравнения международной практики и отечественного опыта освещены вопросы и проблемы организации учебного процесса по форме дуального образования, предложена структура образовательной программы специальности магистратуры «СБЭ». Рекомендовано формирование практикоориентированных знаний, навыков и квалификаций для специальной образовательной модели по подготовке экспертов-бухгалтеров.

Ключевые слова: СБЭ, права, эксперт-бухгалтер, аудит, образовательная программа, образовательная модель, модул, дуальное образование, знания, навыки, квалификации, компетенции.

MODERN PROFESSION: NORMATIVE-LEGAL AND ORGANIZATIONAL-METHODOLOGICAL ASPECTS OF FORENSIC ACCOUNTING EXAMINATION

Dusmuratov Rajapbai Davlatbaevich

Doctor of Economics, Professor of the Department of Financial Analysis and Audit, Tashkent State University of Economics, "Excellent student of higher education of the Republic of Uzbekistan", Darvishov Sarvarbek Rustamovich
Teacher-methodologist at the test center of the Academy of the Ministry of Internal Affairs

Abstract: This article is devoted to the problems of forming an educational program, as well as scientific, educational, methodological, organizational and personnel support for the educational process in a modern and complex branch of knowledge - forensic accounting, which arises in a combination of accounting, auditing, revision and branches of law. Having analyzed approaches to training accounting experts in leading universities in some developed countries of the world, positive and problematic aspects have been identified. As a result of a comparison of international practice and domestic experience, the issues and problems of organizing the educational process in the form of dual education are highlighted, and the structure of the educational program for the master's degree specialty "Forensic Accounting" is proposed. It is recommended to develop practice-oriented knowledge, skills and qualifications for a special educational model for training expert accountants. The work mainly uses methods of monographic research, information systematization, comparative analysis, etc.

Key words: forensic accounting, rights, expert accountant, audit, educational program, educational model, module, dual education, knowledge, skills, qualifications, competencies.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар, иқтисодиётнинг глобаллашуви ва бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнлар маълум даражадаги коррупция ҳолатлари ҳамда иқтисодий жиноятлар билан биргалиқда кечмоқда. Ушбу негатив ҳодисалар даражаси эркин иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, давлат бюджетини катта миқдордаги даромаддан маҳрум этади, инвестициялар оқимиға тўсқинлик қиласди, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кескинлаштиради ва умуман, мамлакатнинг миллий хавфсизлиги-га таҳдид солади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «коррупция, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда»[1]. Коррупцияга қарши курашиб, иқтисодий жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳоли барча қатламларининг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ижтимоий жараёнларга нисбатан фаолигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада таълимнинг барча турлари, хусусан, профессионал таълим ва олий таълимнинг қамрови ҳамда сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қара-

тилмоқда. Дарҳақиқат, Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида: «Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир» [4], – деб таъкидланди. Шунингдек, «таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат» [4] деб белгиланди.

Лекин амалга оширилаётган ислоҳотларга қарамасдан, коррупция ва иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиқлашга ёрдам берадиган айрим тор соҳалар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда ушбу йўналишларда аҳоли саводхонлигини ошириш етарли даражада эмас. Хусусан, суд-бухгалтерия, суд-иқтисодий, суд-молиявий экспертизаси йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмаган. Бундай вазиятда ОТМлари иқтисодиёт ва ҳуқуқ таълим йўналишлари, хусусан, магистратура таълимида «СБЭ» мутахассислигининг очилиши айни муддао. Чунки иқтисодий жиноятларни суриштирув, тергов ҳамда суд жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ҳамда бизнес субъектларининг ҳуқуқини таъминлаш мақсадида СБЭ хизматларига эҳтиёжнинг ошаётганлиги меҳнат бозорида ушбу мутахассислик бўйича кадрларга бўлган талабнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Ушбу мутахассислик бўйича талабалар СБЭнинг мавжуд ахборотларини ҳуқуқ-

ни муҳофаза қилиш амалиётида самарали кўллаш имконини берадиган, чуқур назарий билимларни эгаллайдилар ва кўнкималар орттирадилар. Ушбу билим ва кўнкималар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисбот маълумотларидаги ҳуқуқбузарлик аломатларини излашни ташкил этиш, жиной ишларни суриштирув ва тергов қилишда, шунингдек, фуқаролик ва иқтисодий ишларни судларда кўриш жараёнларида олинган маълумотларга малақали баҳо бериш ҳамда ноқонуний қарорлар қабул қилишнинг оддини олишга ёрдам беради.

Ушбу соҳани ривожлантириш учун мамлакатимизда норматив-хуқуқий асос мавжуд. Жумладан: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-637); Ўзбекистон Республикасининг «Суд экспертизаси тўғрисида» Қонуни (кейинги ўринларда – ЎРҚ-249) [1]; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 й. 4125-сонли «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (кейинги ўринларда – ПҚ-4125) [5]; 5.07.2021 й. 6256-сонли «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (кейинги ўринларда – ПФ-6256)[6]; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2020 й. 180-сонли «Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш тўғрисида» [7] қарори; 29.03.2021 й. 163-сонли «Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида» қарори (кейинги ўринларда – ВМҚ-163) [8]; 22.11.2021 й. 706-сонли «Суд-экспертиза соҳасини тартибга солувчи айrim норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» [9] қарори қабул қилинган.

Хусусан, ЎРҚ-249-сонли қонуннинг 12-моддасига мувофиқ: «Айни бир хил ихтисосликдаги давлат суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, давлат суд экспертларини касбий тайёрлаш ва ихтисослаштириш суд-экспертлик амалиётiga ягона илмий-услубий ёндашув асосида амалга оширилади» [1].

ЎРҚ-637-сонли қонуннинг 17-моддасига мувофиқ: «Дуал таълим таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўнкималарни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади» [2].

Шунингдек, ВМҚ-163-сон билан тасдиқ-

ланган «Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ: «дуал таълим дастури – профессионал таълим муассасаси ва ташкилотда таълим олувчининг муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятини ва меҳнат вазифаларини бажаришига қаратилган давлат таълим стандарти, ўқув режаси, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат хужжатлар тўплами» [8].

ПҚ-4125-сонли қарорнинг 7-бандига мувофиқ: «Илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини тақомиллаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналиши»[5] этиб белгиланган. Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Суд-иктисодий экспертизаси», «СБЭ», «Ташқи савдо фаолиятининг суд-иктисодий экспертизаси», «Меҳнат иқтисодиёт суд экспертизаси», «Суд-режали-иктисодиёт экспертизаси», «Суд-иктисодий-статистик экспертизаси» бўйича Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг «Суд-иктисодий экспертизаси» бўлимига бириттирилган [5]; ПФ-6256-сонли фармоннинг 2-бандида: «суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан, услубиёт ва регламентларни такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш; суд-экспертлик фаолиятида кадрлар салоҳиятини ошириш ҳамда суд экспертларини тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш» [6] устувор йўналишлар белгиланди.

Шундай қилиб, эксперт-бухгалтерлар тайёрлашни ушбу норматив-хуқуқий базага таянган ҳолда, амалиётга йўналтирилган магистратура таълими дастури асосида дуал таълим шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Сўнгги йилларда СБЭнинг назарий ва ўқув-услубий таъминотини ривожлантиришга хорижий ҳамда МДҲ мамлақатларининг олимлари алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, Ш.И.Алибеков ёзганидек, «иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар билан қурашиб муҳим муаммолардан ҳисобланиб, маҳсус тадқиқотни талаб қиласи. Ҳозирги босқичда унинг долзарблиги ҳар куни сезиларли даражада ўсмоқда, шунинг учун суд-экспертиза

хизматларига талаб юқорилигича қолмоқда» [10].

Соҳанинг таниқли олимни ва мутахассиси Е.С.Дубоносов: «Вужудга келган вазият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишининг сифатини ошириш зарурлигини тақозо этмоқда. Улар иқтисодий муносабатларнинг криминаллашганлиги ва иқтисодий субъектлар хўжалик фаолияти устидан зарур назорат йўқлиги билан тўқнашмоқдалар» [12], – деб таъкидлайди.

Е.Р.Российская, Н.Д.Эриашвили, Н.В.Парушина, В.А.Бородин, В.И.Бобошко, Ю.П.Кузакин муаллифлигидаги дарсликда: «Суд-иктисодий экспертиза (СБЭ ҳам шу тоифага киради – Д.Р.) энг кўп тарқалган суд экспертизалири қаторига киради. Уларга эҳтиёж бозор муносабатларининг ривожланиши билан ошиб боради» [17].

Э.Ю.Козырчикова ёзишича: «Иқтисодий жиноятлар ва молия-хўжалик интизоми бузилишининг олдини олиш тизимида бухгалтерия экспертизаси, бухгалтерия ҳисоботи ахборотларининг ишончлилигини баҳолаш алоҳида ўрин тутади» [14].

Т.В.Пашенко: «Суд-бухгалтерия экспертизаси процесдуру ҳаракатларнинг кўплаб саволларни вужудга келтирадиган қизиқарли ва мунозарали тури бўлиб қолмоқда» [16], – деб таъкидлайди.

Мамлакатимиз олимларидан О.О.Барақаев: «Сўнгги пайтларда бутун дунё бўйлаб бизнес ва давлат идораларида фирибгарлик амалиётлари кучайиши натижасида форензик аудит хизматига талаб ортмоқда» [11], – деб таъкидлайди. Шунингдек, А.А.Ортиқов, Ф.Д.Ташманов, С.Д.Турсунов [15], Ш.М.Рустамов, З.Р.Умаров, М.А.Холбаев [18], Д.Р.Жалолова, Ҳ.А.Боқиева, У.К.Қаимов, Ш.В.Ғаниев [19] ва бошқалар «СБЭ» фанининг ўқув-услубий таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда ўқитиш методикасини шакллантириш бўйича ишлар олиб бормоқдалар.

Лекин, юқорида шарҳланган манбаларда мазкур соҳа бўйича ОТМ тизимида малакали мутахассислар тайёрлашнинг норматив-ҳуқуқий, ўқув-услубий ва кадр таъминоти масалаларига комплекс ёндашилмаган.

Таъкидлаш жоизки, «СБЭ» бухгалтерия ҳисоби, аудит, тафтиш ва ҳуқуқнинг бирлашмасида шаклланадиган янги мутахассислик бўлиб, бир томондан, мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланади, уни ўтказиш амаллари эса ҳуқуқнинг процесдуру нормалари билан тартибга солинади, бошқа томондан, экспертиза тадқиқотлари методикасини шакллантириш

ҳамда қўллаш бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қиласди. Мазкур мутахассислик бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишдан асосий мақсад: 1) давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида СБЭ бўйича фаолият кўрсатадиган юқори малакали магистрлар; 2) СБЭ бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида, аввало, умумий методологик асос сифатида диалектика, умумилмий методлардан: илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантикий фикрлаш, аналогия, қиёслаш каби назарий методлар; кузатиш, таққослаш, каби эмпирик методлар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар мұхоказаси. Университет таълимида «СБЭ» магистратура мутахассислигини очишнинг долзарблиги ва заруратини асослаш жараёни юқори малакали эксперт-бухгалтерлар тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганишда, илмий, норматив-ҳуқуқий, ташкилий ва ўқув-услубий таъминотда муаммолар мавжудлигини кўрсатди:

биринчидан, ҳуқуқ тармоқлари (фуқаролик, иқтисодий, жиноий ва ҳ.к.), бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил, корпоратив молия ва бошқа ёндош фанлардан бир нечта ларининг бирлашмасида амалиётга йўналтирилган малака талаблари ва уларни таъминлайдиган ўқув режа ва фан дастурларининг йўқлиги;

иккинчидан, бундай ўқув режада кўзда тутилган фан дастурларини дуал таълим талабларига мослаштириш ҳамда амалиётга йўналтирилганлик принципининг таъминланмаганлиги;

учинчидан, бир нечта фанлар бирлашмасида вужудга келаётган янги фанларнинг предмет соҳаси, обьектлари, методологияси, функциялари ва бошқа зарур элементлари тўлиқ ҳамда тўғри шаклланмаганлиги;

тўртинчидан, юқорида тавсифланган янги фанлар бўйича «СБЭ» магистратура мутахассислигининг малака талабларини таъминлайдиган маҳсус ўқув адабиётларининг йўқлиги ва айрим фанлар бўйича мавжуд ўқув адабиётларининг фақат назарий билим беришга мўлжалланганлиги, амалиётга йўналтирилмаганлиги ҳамда ёндош фанлар билан уйғунлашмаганлиги;

бешинчидан, мазкур фанлар бўйича мустақил таълим, ўқув-аудитория амалиёти ва СБЭ муассасаларида ўтказиладиган бошқа

амалиётларнинг норматив ҳамда ташкилий-услубий таъминотини ишлаб чиқиш зарурлиги;

олтинчидан, бухгалтерия ҳисоби, аудит, юриспруденция ва бошқа ёндош мутахассисликлар бирлашмасида маҳсус билим, қўнималар ҳамда амалий тажрибаларга эга бўлган мутахассис-педагоглар етишмаслиги;

еттингчидан, бундай мураккаб, уйғунлашган янги фанларни ўрганишга талабаларда қизиқиш уйғотиш, қўнималар ҳосил қилиш ва ҳ.к.

Фикримизча, СБЭ бўйича олий таълимнинг халқаро амалиётини ва миллий тажрибани умумлаштириш ҳамда уйғунлаштиришга асосий эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида суд бухгалтерияси ва СБЭ, асосан, юридик олий таълим таркибида ўқитилиб, «Суд экспертизаси ва криминалистика» магистратура мутахассислиги доирасидагина амалга оширилмоқда. Шунингдек, санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш учун ҳозирча норматив база, илмий, ўқув-услубий ва кадр таъминоти ҳамда амалий тажриба ҳам етарли эмас. Айни ҷоғда олий таълимнинг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит», «Иқтисодиёт», «Маркетинг», «Менежмент» каби бакалавриат йўналишларининг битирувчилари негизида эксперт-бухгалтерлар тайёрлашда маълум камчиликлар ҳам кузатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, эксперт-бухгалтерлар ва иқтисодий экспертиза соҳасидаги бошқа ёндош мутахассисликлар тор доирада ихтисослашган ва ўта мураккаб профессионал хизматларни таклиф қиласидилар. Улар томонидан ҳал этиладиган вазифалар жуда хилмажил бўлиб, активларнинг корхона балансидаги ҳаққоний қийматини аниқлашдан тортиб, то хуфия бизнесдаги мураккаб «схема»ларни очиқлашгача бўлган масалаларни қамраб олади. Бундай ўзига хосликларнинг барчаси, мазкур ихтисослик соҳаларини битта таълим дастури доирасида бирлаштириш, аниқроғи, уйғунлашган, соҳалараро янги мутахассисликнинг таълим дастурини яратишда маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

Эксперт-бухгалтерлар томонидан бажариладиган ишларнинг мураккаблиги ва ўзгарувчанлиги ҳам СБЭ бўйича узвий ва изчил таълим дастурларини ишлаб чиқишида қийинчиликларни вужудга келтиради. СБЭнинг амалий фаолият сифатида хилма-хиллиги эксперт-бухгалтерлар учун қизиқарли бўлса-да, улар бу хилма-хилликни таълим дастурини

яратиш ҳамда ўзлаштириш чоғида мураккаблик сифатида қабул қиласидилар.

Шу билан бир қаторда, олий таълим ва амалиёт вакилларининг таълим дастурлари мазмuni ва улардан кутилаётган натижалар тўғрисидаги тасаввурларида ҳам тафовутлар мавжуд. Масалан, амалиётчилар фаолияти, кўпинча, долзарб бўлган маҳсус ёки тор доирадаги процессуал масалаларга йўналтирилган бўлиб, бу хизматлар бозоридаги жорий талабларга жавоб беради, илмий-педагогик жамоа эса қоидага кўра, назарий-методологик асослари ва таянч тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашадилар. Бундай назарий-методологик асослар ва таянч тамойиллар эса соҳа учун етук илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва амалиётчиларни иш мұхитига олдиндан пухта тайёрлашга имкон яратади.

Амалиётчи мутахассислар СБЭ бўйича бозор талабларини қондиришга йўналтирилган, кўплаб мавзуларни қамраб оладиган комплекс ўқув дастурларини ишлаб чиқиши истагини билдирадилар. Шунга қарамасдан, таълим дастурлари учун ажратиладиган вақт чекланганлиги, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва хуқуқ соҳасидаги таянч билимларни, биринчи навбатда, ўзлаштириш зарурати боис тор ихтисосликни пухта ўзлаштириш учун вақт кам қолади.

Шу боис, фикримизча, СБЭ бўйича мувофиқлашган ягона намунавий таълим дастурини ишлаб чиқиб, унинг танлов фанлари бўлимида эса ҳар хил комбинацияланиши мумкин бўлган, кўплаб мазмунан ва таркибан хилма-хил ўқув фанларини ўз ичига оладиган муқобил дастурлар яратиш ҳам зарур. Масалан, танлов фанлари ўқув дастурларининг бир қисми хуқуқ ва криминологияни, иккинчи қисми фирибгарлик ва кибер жиноятчиликни, учинчиси эса бизнесни баҳолаш ва йўқотишлилар миқдорини аниқлашга йўналтирилиши мумкин.

Эксперт-бухгалтерлар фаолияти мураккаб ва серқирра бўлган фанлараро мұхит, доимо ўзгариб турадиган, фактлар ва натижаларнинг мавхумлиги билан тавсифланадиган муаммолар билан боғлиқ. Эксперт-бухгалтерлар, кўпинча, норматив-хуқуқий хужжатларни, юридик тартиб-таомиллар ва қоидаларни билиш талаб этиладиган хуқуқ-тартибот мақонида ишлайдилар. Шунингдек, улар юридик билимларга қўшимча равишда молиявий ҳисоб, баҳолаш, рақамли технологиялар ва шунга ўхшаш соҳалар билимлари ҳамда жараёнларини ҳам ўзлатишилари зарур.

СБЭнинг ахлоқий жиҳатлари эксперт-бухгалтер фаолиятининг ахлоқ-одоб нормаларини ўз ичига олади. Натижада СБЭ бўйича таълим дастурлари норматив-хуқуқий хужжатлар, юридик техника ва мутахассислик фанларини ўқитиш доирасидан четга чиқади. Фикримизча, мутахассислик ўқув режасининг танлов фанлар бўлимига психология асослари, криминология, нутқ маданияти ва нотик-лик санъати каби қисқа курсларини ҳам киритиш зарур. Лекин мазкур мутахассислик бўйича бундай тарздаги кенг қамровли, назарий, методологик ва амалий фанлараро уйғунлашган ўқув фанларининг дастурларини ҳамда ўқув-услубий таъминотини ишлаб чиқишига республикамизда ҳозирча етарли эътибор берилмаяпти. Бу ҳолат бухгалтерия ҳисоби ва юриспруденция тармоқларининг фундаментал назарияси, методологияси ва амалиётини яхлит биладиган ҳамда педагогик тажрибага эга мутахассислар етишмовчилиги билан ҳам боғлиқ. Натижада СБЭ мутахассислиги таълим дастурининг ўқув фанларини яратишида «мулла билганини ўқийди» қабилидаги бир томонламалик, яъни ҳуқуқ-шунослар ўз соҳасига, бухгалтер-аудиторлар ўз соҳаларига мослаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун ушбу мутахассислик бўйича, аввало, фанлараро (аниқроғи, юриспруденция, бухгалтерия ҳисоби, аудит, иқтисодий таҳлил ва ҳ.к. фанлар бирлашмасида ҳосил бўлган) ўқув фанларининг рўйхатини шакллантириш, иккинчидан уларнинг фандастурларини ишлаб чиқиши, учинчидан ҳар бирининг ўқув-услубий ва зарур моддий-техник ҳамда кадр таъминотини яратиш юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг гаровидир.

Халқаро амалиёт. Таклиф этилаётган мутахассислик бўйича таълим дастурининг таркиби ва мазмунига университетнинг таълим сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Австралияning Чарльз Стерт университети (Charles Sturt University) таълим сиёсати ва дастурларини ўрганиш, университетда фирибгарлик ва молиявий жиноятлар бўйича магистратура таълим дастурида фирибгарликка устуворлик берилганлигини тасдиқлайди. Бу университет, асосан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, суриштирув ва терроризм билан курашиш учун мутахассисларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб боришига ихтисослашган. Квинсленд технология университети (КТУ) (ингл. *Queensland University of Technology*) эса илғор технологиялари билан ном қозонган муассаса сифатида СБЭ соҳасида,

энг аввало, ИТ-криминалистика нуқтаи назаридан билимларни шакллантиради[20].

Таъкидлаш жоизки, бу соҳада ишга жойлашиш билан боғлиқ айрим чекловлар ҳам мавжуд. Масалан, ишга жойлашиш имконияти бухгалтер, аудитор ёки адвокат қасбига қараганда анча паст бўлиб, билимлар ва қўнимкалар эса қоидага кўра, муайян мамлакатдаги сиёсий аҳвол ва бизнес юритишнинг хусусиятлари билан чекланган. Бу муаммо бизнинг таълим мұхитимиз учун ҳам хосдир. Хусусан, бу ва бошқа соҳаларда мутахассислар тайёрлашнинг фақатгина меҳнат бозоридаги жорий талабларга йўналтирилганлиги, мутасадди давлат органлари ва илмий-услубий мактаблар томонидан қўллаб-қувватлашнинг етарли даражада эмаслиги маълум хатарларни вужудга келтирмоқда. Булар мазкур йўналишда норматив-хуқуқий таъминот, илмий ва ўқув-услубий адабиётлар сифатининг пасайишига олиб келади.

АҚШ, Буюк Британия ва Австралия мамлакатларининг СБЭ бўйича магистратура таълим дастурларини ўрганиш шуни кўрсатдиги, уларда асосий урғу тор ихтисослик фанларига берилган. Шунингдек, нафақат талабаларда дунёқараш ва маданиятни шакллантирадиган умуммиллий фанлар етишмаслиги, балки суд-хуқуқ соҳасидаги таянч фанлар ҳам етишмаслиги аён бўлди. Айни ҷоғда, бу билимлар, қўнимкалар ва шахсий фазилатларнинг эксперт-бухгалтер учун ўта зарур эканлигини эслатиб ўтамиш.

Жанубий Уэлс университетида (University of South Wales) магистратура мутахассислиги «Суд аудити ва бухгалтерияси» деб номланиб, унинг таълим дастурида қуйидаги фанлар мавжуд: Суд-молия таҳлили; Аудит, бошқарув ва рискларни бошқариш; Бухгалтерия ҳисоби ва молияда тадқиқот методлари; Кибер ва рақамли суриштирув; Молиявий жиноятлар ва эксперт-гувоҳ; Фирибгарликка текшириш[21].

Юқорида шарҳланган манбалар, ўрганилган халқаро амалиёт ва мамлакатимизда тўплланган тажрибанинг қиёсий таҳлили, миллий иқтисодий макон хусусиятлари ҳамда қадриятларимизни инобатга олиб, СБЭ мутахассислиги бўйича тавсия этилаётган таълим дастурининг таркиби, тузилмаси ва қиёсий тавсифини тақдим этамиш (1-жадвал).

Австралияning Чарльз Стерт университети (Charles Sturt University) ўқув режаси таълим сиёсатини таҳлил шуни кўрсатдиги, у ерда техника ва ИТ фанларига кўпроқ ўрин берилган.

1-жадвал

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида СБЭ мутахассислиги бўйича магистратура таълими дастурининг қиёсий таҳлили ва тавсия этилаётган таълим дастури тузилмаси

АҚШ, Фарбий Виржиния университети (West Virginia University). «Суд экспертизаси ва фирибгарликлар тергови» (магистратура)*	Австралия, Чарльз Старт университети (Charles Sturt University). «Фирибгарлик ва молиявий жиноятлар» (магистратура)**	Ўзбекистон, ТДИУ. «Суд-бухгалтерия экспертизаси» (магистратура) (ТАКЛИФ)
МАЖБУРИЙ ВА ТАНЛОВ ФАНЛАРИГА АЖРАТИЛМАГАН: 1.Бухгалтерия ҳисоби (иқтисодий қарорлар қабул қилиш). 2.Молиявий ҳисоб назарияси ва амалиёти. 3.Қўшиб юбориш ва қўшиб олиш; 4.Бухгалтерия ҳисоби учун илгор технологиялар. 5.Электрон савдо ва интернет хавфсизлиги. 6.Федерал солиқ тадқиқотлари ва билдириги ёзиш. 7.Федерал корпоратив солиқга тортиш (юқори курс). 8.Сифатни таъминлаш хизматлари ва касб стандартлари. 9.Фирибгарликнинг таъсири ва уни бартараф этиш. 10.Давлат сектори ва нотижорат ташкилотларида бух. ҳисоби. 11.Бухгалтерия ҳисоби (Бизнес-консалтинг). 12.Криминалист-лар ва фирибгарликни суриштирувчилар учун бухгалтерия ҳисоби. 13.Фирибгарлик тўғрисидаги маълумотлар таҳлили; 14.Фирибгарлик. 15.Криминология (Юридик масалалар). 16.Фирибгарлик тергови (юқори курс). 17.Суд экспертизаси ва фирибгарлик экспертизаси. 18.Аналитик методлар (юқори курс). 19.Хусусий компанияни баҳолаш. 20.Бухгалтерия ҳисоби тадқиқот методлари бўйича семинар. 21.Бухгалтер касбининг ахлоқий масалалари. 22.Архив ҳисобини ўрганиш. 23.Суд-бухгалтерия экспертизаси ва фирибгарлик экспертизаси.	МАЖБУРИЙ ФАНЛАР: 1.Молиявий жиноятлар криминологияси. 2.Фирибгарлик ва молиявий жиноятлар. 3.Технология ва молиявий жиноятчилик. 4.Корпоратив бошқарув. 5. Молиявий жиноятлар билан курашиш ва рискларни бошқариш. 6.Этика ва касб амалиёти. 7.Лидерлик ва стратегик фикрлаш. 8.Билимларнинг мустакил интеграциялашуви: назария ва касб амалиёти. ТАНЛОВ ФАНЛАРИ: 1.Бухгалтерия ҳисоби ва бизнесни молиялаштириш. 2.Молиявий саводхонлик. 3.Молиявий ҳисботни таҳлил қилиш ва баҳолаш. 4.Бухгалтерия ҳисоби стандартлари, иловалар ва очиб беришлар. 5.Бухгалтерия ҳисобини шарҳлаш ва коммуникацияси. 6.Молиявий қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар таҳлили. 7.Экология солиги. 8.Акциз. 9.Халқаро етказиб бериш занжирларини бошқариш. 10.Бизнес иқтисодиёти. 11.Корпоратив молия. 12.Молия бозорлари ва молиявий инструментлар. 13. Инвестицион таҳлил. 14. Ташкилий коммуникация. 15.Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида амалий менежмент ва хавфсизлик. 16.Тезкор топшириқлар. 17.Қора интернет. 18.Ахборот хавфсизлиги. 19.АТ рискларни бошқариш. 20.Рақамли криминалистика. 22. Суриштирувлар ўтказиш принциплари. 23.Интеллектга кириш. 24.Разведка ахборотларини бошқариш. 25. Интеллект ва аналитика. 26.Идораларо суриштирувлар. 27. Трансмиллий жиноятлар суриштируvida вужудга келадиган муаммолар ва касб амалиёти. 28.Жиноятчиликни тартибга солиш. 29.Пул ювиш, терроризмни молиялаштириш ва лозим эҳтиёткорлик. 30. Қора бозорлар. 31.Кир пуллар. 32.Тадбиркорлик ва корпоратив ҳуқуқи. 33.Солиққа тортиш. 34.Солиққа тортиш стратегияси. 35.Бошқарув стратегияси. 36.Ходимларнинг стратегик бошқаруви. 37.Бизнес тадқиқотлар.	МАЖБУРИЙ ФАНЛАР: Тадбиркорликда бухгалтерия ҳисоби (1,11); Балансшунослик (3!); Суд-бухгалтерия экспертизаси (17,18,23); Давлат сектори ва нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби (10); Баҳолаш фаолияти ва экспертизаси (19); Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари (32т); Иқтисодий ва иқтисодий-процессуал ҳуқуқ асослари; Жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ асослари. ТАНЛОВ ФАНЛАРИ: Суд-молия-кредит экспертизаси; Мехнат иқтисодиёти суд экспертизаси; Суд-режали-иктисодиёт экспертизаси; Суд-иктисодий-статистик экспертизаси; ТСФнинг суд-иктисодий экспертизаси 9т); Экологик аудит ва суд-экологик экспертиза (7т); Банкротлик ишларида СБЭнинг хусусиятлари; Корпоратив молия (11т); Инвестицион таҳлил (13т); Ҳуқуқий маданият, касб этикаси ва нотиқлик санъати (6,7,21); Ахборот хавфсизлиги, IT рисклар ва рақамли криминалистика (4,5,17т,18т, 19т,20т).

* *Forensic and Fraud Examination Master of Science Requirements. URL:<http://catalog.wvu.edu/graduate/collegeofbusinessandeconomics/ffe/#masterstext> (01.01.2023 й. ҳолатига)*

** *The Master of Fraud and Financial Crime from Charles Sturt University. URL: <https://study.csu.edu.au/-courses/police-security-emergency/master-fraud-financial-crime> (01.01.2023 й. ҳолатига).*

Аммо, эътиборлиси, фақат унинг таълим дастуридагина бўлғуси эксперт-бухгалтернинг шахсий фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган фанлар мавжуд. Булар «Этика ва касб амалиёти» ва «Билимларнинг мустақил интеграциялашуви: назария ва касб амалиёти» фанлари бўлиб, фикримизча, бизнинг олий таълимимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис уларга батафсироқ тўхтalamiz.

1. «*Этика ва касб амалиёти*» фани касб одоб-ахлоқи (этикаси), амалий фаолияти ва молиявий жиноятлар масалаларига бағишлиган. Хусусан, унда коррупция, фирибгарлик ва ахлоқсизликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш воситалари кўриб чиқилган, одоб-ахлоқ (этика) назарияси, нормалари ва истиқболлари таҳлил қилинган. Бунда таҳлил учун молиявий жиноятлар муаммоларига ахлоқий таъсир чоралари, амалий вазиятлар ва касбий ёндашувлардан фойдаланилади.

Умуман, мазкур фан қуидаги билимлар ва касб кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган:

- пул ювиш, терроризмни молиялаштириш, молиявий жиноятлар, коррупция ва жиддий ахлоқий бузилишларга олиб келадиган тузилмавий ва маданий хусусиятларни очиқлаш ҳамда таҳлил қилиш;

- давлат, ижтимоий ва корпоратив секторларда вужудга келадиган асосий ахлоқий муаммоларни талқин қилиш;

- ахлоқий муаммоларга шахсий ва ташкилий жавобларни таҳлил қилиш;

- давлат, ижтимоий ва корпоратив секторлардаги ахлоқий муаммоларнинг вижданан ҳал этилишини таъминлаш бўйича барқарор тизим ишлаб чиқиш ва асослаш;

- молиявий жиноятлар билан курашиш бўйича компетентли мутахассисга зарур бўладиган илмий-тадқиқот, коммуникатив ва рақамлаштирилган муҳитда ишлаш кўникмаларини намоён этиш.

2. «*Билимларнинг мустақил интеграциялашуви: назария ва касб амалиёти*» фани ҳам муҳим ҳисобланиб, илмий билимлардан фойдаланиш ва ижодий, когнитив ва рефлексив методлар ёрдамида кўникмалар ҳосил қилиш, гипотезаларни текшириш, умуминсоний қадриятлар, умумий дунёқараш ва саводхонликдан фойдаланиш ҳамда ғоялар алмашинувига йўналтирилган.

Ушбу фан, асосан, қуидаги билимлар ва касб кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган:

- ҳуқуқни қўллаш, хавфсизлик ва (ёки) касб фаолиятида молиявий жиноятларни тартиба солиши соҳасидаги сўнгги долзарб масалалар бўйича билимларни эгаллаш;

- молиявий жиноятларга қарши курашиш соҳасида вужудга келадиган янги вазиятларга креатив ёндашув бўйича билимлари ва кўникмаларидан фойдаланишни намоён этиш;

- магистратурада ўқиш давомида олинган назарий билимларини (*бизнинг амалиётимизда дуал таълимнинг амалий қисмида*) кўникмага айлантириш ва кейинчалик амалиётда муваффақиятли қўллаш учун умумлаштириш;

- амалиётга ёрдам берадиган ишланмарни яратиш, оммалаштириш, баҳолаш, жорий этиш, таҳлил қилиш ва илмий назарияга айлантириш учун техник ҳамда коммуникатив кўникмаларини намоён этиш;

- ғоялар, билимлар ва кўникмаларни, манфаатдор томонларга тушунарли, фойдали ва таъсирчан бўлишини таъминлаш учун, тушунарли ва оммавий тилда баён қилиш ҳамда етказиб бериш;

- корхоналарда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ва (ёки) хавфсизлик соҳасидаги муқим қарор топган илмий назарияларни ўрганиш ва қўллаш.

Юқоридаги таҳлиллар асосида биз таклиф қилаётган «СБЭ» бўйича мутахассислар тайёрлашнинг мақсади соҳадаги илмий назария ва амалиётнинг замонавий ютуқлари асосида бухгалтерия ҳисобига оид маҳсус билимларни юридик амалиётда қўллашдан иборат. Ушбу мутахассислик бўйича ихтисослантирувчи фан сифатида айнан шу номдаги, яъни «СБЭ» фанини таклиф этамиз. Ушбу фан иқтисодий-ҳуқуқий фан ҳисобланади, чунки бир томондан, мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланади, экспертиза ўтказиш амаллари эса ҳуқуқнинг процеесуал нормалари билан тартиба солинади, бошқа томондан, тадқиқотлар методикасини шакллантириш ҳамда қўллаш бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларида чуқур билимларга эга бўлишни талаб қиласди.

Уни ўзлаштириш натижасида қуидаги билимлар ва касб кўникмаларини шакллантириш мумкин:

- Ўзбекистонда суд-экспертлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, бухгалтерия ҳисоби ва СБЭни норматив-ҳуқуқий тартиба солиши тизимини;

- экспертиза тадқиқотларини амалга ошириш босқичларини; ҳуқуқбузарликлар, уни содир этиш йўлларини аниқлаш учун

молиявий назоратнинг турли шаклларидан фойдаланиш имкониятларини;

- иқтисодиёт соҳасидаги коррупция ва ҳисоб-иқтисодий номувофиқликлар вужудга келишининг типик механизмларини;

- МҲС ва МҲМСдан четга чиқишларни аниқлаш методикасини ва жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларни тергов қилиш жараёнида ундан фойдаланишни билиши;

- бухгалтерия ҳисобининг назорат функцияларидан фойдаланишни;

- иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни далиллашда фойдаланиш учун зарур бўладиган муҳим бухгалтерлик ва бошқа турдаги ҳужжатлар таркибини аниқлашни;

- СБЭни тайинлаш ва ўтказишида инвентаризация, ҳужжатли тафтиш, аудиторлик текширувлари ҳамда ҳар хил турдаги экспертизалар материалларидан фойдаланишни;

- СБЭни малакали даражада тайинлаш ва ўтказилишини ташкил этиши;

- процессуал қонунчиликнинг ҳар хил тармоқларида ҳисоб-таҳлил ва ҳужжатли текширув усулларини қўллаш натижаларидан фойдаланишни;

- юридик аҳамиятга эга қарорларни қабул қилиши учун СБЭ натижаларини ҳар томонлама баҳолашни уddyalai олиши;

- бухгалтерия ҳужжатларини ва професионал юридик фаолиятдаги ўзаро боғлиқ ҳўжалик операцияларини тадқиқ қилиш услубларини мустақил қўллаш;

- иқтисодий субъект ҳўжалик фаолиятининг ҳар хил турларини иқтисодий таҳлил қилиш;

- бухгалтерия ҳужжатларидаги ҳар хил қалбакилаштиришларни аниқлаш ва улардан иқтисодий жиноятларни тергов қилиш ва фуқаролик-ҳуқуқий мунозараларни ҳал этишда фойдаланиш;

- олинган ахборотлар асосида жиноятни содир этиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисбот маълумотларида ғайриқонуний акс эттириш шакллари тўғрисидаги версияларни илгари суриш;

- СБЭни ўтказиш чоғида ҳисоб-таҳлил ва ҳужжатли текширув усулларини қўллаш натижаларини процессуал баҳолай олиш қўниқмаларига эга бўлиши лозим.

Тавсифланган учала фан дастури ҳам илмий-услубий ва амалий қисмларга бўлинади. Илмий қисми соҳада эришилган назарий-методологик ютуқлар, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий қўлланмаларни ўрганиш ҳамда баён қилиш; амалий қисми

эса эмпирик маълумотларни тўплаш ва талқин қилишдан иборат. Ҳозирги вақтда суд экспертизик фаолияти, хусусан, «СБЭ» бўйича эксперт-амалиётчиларни тайёрлаш ва малақасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМда амалга оширилмоқда.

Мазкур мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг юқорида таъкидланган йўналишларини (амалиёт учун эксперт-бухгалтерлар ёки илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни) ҳисобга олган ҳолда ўқув фанларининг силлабуслари асосида таълим траекторияси аниқланади. Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўпроқ илмий назарияларни ўрганиш ва баён қилиш, хусусан, норматив-ҳуқуқий манбалар, илмий ва ўқув-услубий ишларни шарҳлаш; илмий гипотезани шакллантириш ва текшириш; илмий-тадқиқот методологиясини ўрганиш, зарур методларни танлаш ва ўз методикасини шакллантириш ҳамда мустақил тадқиқотларни ўтказишдан иборат.

Эксперт-бухгалтерларни тайёрлашда эса амалиётга йўналтирилганлик, хусусан, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш (топшириқни ўрганиш, экспертиза материалларини тўплаш, режалаштириш, тадқиқ қилиш, натижаларини умумлаштириш ва хулоса тайёрлаш) устунлик қиласади. Бунда СБЭ сиёсати, амалиёти ёки ўтказиш жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган лойиҳалар бажарилади.

Биринчи йўналишда, яъни илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда амалиётдаги энг илғор тажрибалар, шу жумладан, чет элларники ҳам, ўрганилиши ва стратегиялар ишлаб чиқилиши лозим. Иккинчи йўналиш, яъни амалиётчи экспертиз-бухгалтерлар тайёрлашда адабиётлар шарҳланиб, натижада талабалар лойиҳа мавзуси бўйича адабиётлар билан танишади ва асосий назариялар, методологик фаразлар, муҳим концепциялар, муаммолар, тадқиқотдаги бўшлиқлар, шунингдек, фанлараро алоқаларни тадқиқ қилишни ўзлаштирадилар.

Талаба тадқиқот натижасида тўлақонли ҳисбот ёки маъруза, журнالда чоп этиладиган мақола, ўқув дастури, стратегия, сиёсат, низом ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тавсиянома ҳосил бўлиши мумкин.

Эксперт-бухгалтерлар тайёрлаш бўйича халқаро амалиёт ва мамлакатимизда тўпланган тажрибаларни шарҳлаш натижалари асосида таъкидлаш мумкинки, биринчидан, хорижий

олий таълим муассасаларида таълимнинг чуқур фундаментал илмий назария, методология ва пухта концепцияга асосланмаганлиги, аксарият ҳолларда бозор конъюнктурасига мослашишга йўналтирилганлиги аён бўлди. Хусусан, юқорида (1-жадвалда) қиёсий тавсифи келтирилган хориж университетларидағи ўқув фанлари дастурларининг кўпчилиги экспер特-бухгалтерлар эгаллаши лозим бўлган билимлар ва кўникмаларни тўлиқ ҳамда тизимли акс эттиргмаган. Шунингдек, таълим дастурлари маҳсус қисмининг фақат бозор талабларига мўлжалланганлиги ҳам, тизимли ўқув-услубий базани шакллантиришга монелик қиласди. Фикримизча, кенг маънода, дин, илм-фан, санъат ва адабиёт каби ижтимоий онг шаклларини тўлиқ бозорга йўналтириш, яъни бутунлай пулли хизмат соҳаларига айлантириш жамият учун хавфлидир.

Айни чоғда, жуда кам сондаги ўқув фанлари талабаларни илмий раҳбар ёрдамида ва амалиёт орқали индивидуал тайёрлашга мўлжалланган. Ҳозирча, бизнинг амалиётимизда, таълим дастурларидағи ўқув фанларининг катта қисми фақат аудиторияда (у ҳам бўлса, ўзаро ўйғунлашмаган, тарқоқ ҳолдаги) назарий билимларни беришга қаратилган, талаба билан амалиётда алоҳида шуғулланишга мўлжалланган дастурлар эса деярли йўқ.

Эксперт-бухгалтерлар тайёрлаш бўйича олий таълимда мавжуд бўлган таълим дастурларининг намунавий тузилмаси, асосан, бирлашган гурухлар учун маъruzalар, кичик гурухлар учун семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория ишлари ва курс иш (лойиҳалари (агар айрим ўқув фанлари бўйича ўқув режада кўзда тутилган бўлса), амалиётлар ва битирув малакавий ишини тайёрлашни ўз ичига олади. Таълим дастурларининг бундай анъанавий тузилмаси экспер特-бухгалтернинг амалиётга тез мослашиш учун зарур бўладиган кўникмаларни шакллантириш ва самарали ишларини таъминлаш учун етарли эмас.

Хулоса ва таклифлар. Эксперт-бухгалтерлар тайёрлаш таълим дастурларига қуйидаги элементлар киритилишини таклиф қиласиз:

1) фундаментал илмий назария, норматив-хуқуқий таъминот, илмий тадқиқотлар ва тадбирлар, экспертиза жараёнларида иштирок этиш билан ўйғунлашган билим ва кўникмалар шакллантирувчи модуль (Эслатма: албатта, бу модуль улуши нисбатан кам, фикримизча, жами таълим дастури бўйича юкламанинг 25-30 фоизидан ошмаган, аммо юксак савияда синтезланган ва сайқалланган,

пухта ўқув-услубий ва кадр таъминотига асосланган бўлиши шарт);

2) компетентлиликини таъминловчи модуль. Бу модуль муайян экспертиза топширигини малакали ҳал этишни таъминлайдиган комптенцияларни ва уларни намоён этувчи натижаларни, компетентлилик даражасини эгаллаш босқичларини назорат қилиш шакллари ва усуllibарини ва ниҳоят, таълим дастурининг мақсадига эришилганлигини баҳолашга қаратилган яқуний аттестация ишини ўз ичига олиши лозим. Аттестация иши компетентлиликининг қуийидаги бўлимлар бўйича шаклланганлигини алоҳида-алоҳида текшириш учун мақбул бўлиши шарт:

а) экспер特-бухгалтернинг шахсини тавсифловчи комптенциялар;

б) суд экспертизаси соҳасида таянч билимлар ва кўникмалардан иборат умумкасбий комптенциялар;

в) суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети соҳасида маҳсус билимлар ва кўникмалардан иборат малака комптенциялари;

3) талабанинг касб эгаллаш муҳитига ўйғунлашуви, тажриба алмашиш ва ортиришини таъминловчи модуль. Бунда талабаларни жамоат тадбирларида (жамоатчилик кенгашлари, давра сұхбатлари, форумлар, мұҳоммалар ва ҳ.к.) тўлақонли аъзо сифатидаги иштирокини таъминлаш назарда тутилади;

4) таълим жараёнининг барча босқичларда кадрлар буюртмачиларининг тенг хукуқли ҳамкор сифатида тўлақонли иштирокини таъминловчи модуль. Бу таълим дастурларини ишлаб чиқишдан тортиб, ўқув-услубий ва кадр таъминоти, бевосита машғулотларни ўтказиш, амалиётларни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳар хил жамоат ва илмий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ва ниҳоят, малака аттестацияларини ўтказиб, маҳсус сертификатларни топширишгача бўлган жараённи қамраб олади. Шунингдек, бундай ҳамкорлик жараёнда таълим дастури ва жараёнларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар шакллантирилади.

Умумлаштирувчи хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мақолада экспер特-бухгалтерлар тайёрлаш жараёнининг таълим дастурини шакллантириш ва унинг амалиётга йўналтирилган комптентиликини таъминловчи замонавий ёндашувлари асосида ўзига хос элементлари тавсия қилинди, Шунингдек, бевосита таълим жараёнини замонавий ўқув-услубий адабиётлар ва малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш, унда кадрлар буюртмачилари ва талабаларнинг узлуксиз

иштирокини йўлга қўйиш таклифлари келтирилди. Ушбу таклифлар ва тавсиялар соҳадаги назариячилар, услубиётчилар ва амалиётчиларнинг ўз касб фаолиятларида асқотади, деб умид қиласиз. Хусусан, малакали эксперт-бухгалтерлар тайёрлаш бўйича билди-

рилган фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар амалиётга йўналтирилган бошқа ёндош мутахассисликлар учун ҳам таълим дастурларини ишлаб чиқиша бирламчи ғоя сифатида хизмат қилиши мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Суд экспертизаси тўғрисида, 2010 йил 1 июнь, ЎРҚ-249. <https://lex.uz/docs/1633102>
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Таълим тўғрисида, 2020 йил 23 сентябрь, ЎРҚ-637-сон. <https://lex.uz/docs/5013007>
3. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъяят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 46 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://www.xabar.uz/jamiyat/shavkat-mirziyoyevning-oliy-majlis-va-ozbekiston-xalqi>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.01.2019 й. 4125-сонли қарори. Суд-экспертлик фаолиятини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/4172023#4173229>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5.07.2021 й. 6256-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5491507>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.03.2020 й. 180-сонли қарори. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича низомларни тасдиқлаш тўғрисида. www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 й. 163-сон «Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида» Қарори, <https://lex.uz/docs/5346217>.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2021 й. 706-сонли қарори. Суд-экспертиза соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. www.lex.uz.
10. Алибеков Ш.И. Концепция современной бухгалтерской экспертизы и судебной ревизии. Специальность 08.00.12 – “Бухгалтерский учет, статистика”. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Казань, 2009. [https://economy-lib.com](http://economy-lib.com).
11. Баракаев О.О. Аудиторлик фаолиятида янги хизмат ва тушунча: форензик аудит. «Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш» халқаро илмий-амалий конференцияси. – Т.: ТМИ, 2022 й. 16 сентябрь. 304-310-бетлар.
12. Дубаносов Е.С. Судебно-бухгалтерская экспертиза. Учебник для бакалавриата и магистратуры. 2-е издание, переработанное и дополненное. – Москва-Юрайт, 2019. – 229 с.
13. Жалолова Д.Р., Боқиева Ҳ.А. «Суд-бухгалтерия экспертизаси» фанидан ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2005 й. – 92 б.
14. Козырчикова Э.Ю. Приёмы и методы проведения судебно-бухгалтерской экспертизы (проблемы, возникающие при её производстве и практика применения судебно-бухгалтерской экспертизы). // Журнал, Аудит и финансы. <https://auditfin.com/fin/2007/5/-Kozirchikova/Kozirchikova%20.pdf>
15. Ортиков А.А., Ташманов Ф.Д., Турсунов С.Д. Суд-бухгалтерияси. Дарслик. ТДЮИ. – Т., 2010. – 233 б.
16. Пашенко Т.В. Судебно-бухгалтерская экспертиза: принципы, методы и методика. Монография. – Перм, 2018. <https://elis.psu.ru/node/509886?language>.
17. Российская Е.Р. ва др. Судебно-бухгалтерская экспертиза. Учеб. пособие для студентов вузов. / [Е.Р.Российская и др.]; под ред. Е.Р.Российской, Н.Д.Эриашвили. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 351 с.
18. Рустамов Ш.М., Умаров З.Р., Холбаев М.А. Суд-бухгалтерияси. Дарслик. – Т.: Академия, 2012. – 147 б.
19. Фаниев Ш.В. Суд-бухгалтерияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 131 б.
20. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> Квинслендский технологический университет.
21. MS Forensic Accounting of The University of South Wales. URL: <https://www.southwales.ac.uk/courses/ba-hons-forensic-accounting> (1.01.2023 й. ҳолатига).